

ИЖРОИЯ ҚЎМИТА

IJROIYA QO'MITA

ҚАРОРИ
QARORI

2021 йил “ 28 ” июль

Андижон ш.
Andijon sh.

№ 3-2

Янги тахрирдаги “Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерациясининг
Андижон вилоят Кенгаши иш тартиби (Регламенти)” тўғрисида

Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Низоми Андижон вилоят Адлия бошқармасидан 2021 йил 5 апрелдаги 8п-сон билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилганлиги муносабати билан Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси қарор қилади:

1. Янги тахрирдаги “Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши иш тартиби (Регламенти)” иловага мувофиқ тасдиқлансин. (Илова қилинади).

2. Вилоят касабա уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси Кенгашининг “Янги тахрирдаги Андижон вилояти касабա уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг иш тартиби (Регламенти) тўғрисида”ги 3-12 сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши аппарати Ташкилий ишлар бўлими (Х.Матисаев) зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касабա уюшмалари
Федерациясининг Андижон
вилоят Кенгаши раиси



Қ.Парпиев

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Иш тартиби (Регламенти) (янги таҳрири)

- I. Умумий қоидалар
- II. Кенгаш ишини ташкил этиш
- III. Кенгаш мажлисларини ўтказишга қўйиладиган умумий талаблар
- IV. Кенгаш мажлислари қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби
- V. Кенгаш мажлисларида масалаларни кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби
- VI. Ижроия қўмита мажлисларини ўтказишга қўйиладиган умумий талаблар
- VII. Ижроия қўмита мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлаш, киритиш ва кўриб чиқиш тартиби
- VIII. Кенгаш ва Ижроия қўмита қарорларини жўнатиш ва уларнинг кучга кириши
- IX. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этиш тартиби ҳамда Кенгаш томонидан назорат ваколатларининг амалга оширилиши
- X. Кенгаш аппарати ишини ташкил этиш
- XI. Кенгашнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Иш тартиби (Регламент) Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Уставига ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Низомига мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши *(бундан буюн матнда “Кенгаш” деб юритилади)* фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1.2. Кенгаш ваколатларини амалга ошириш Кенгаши раиси, раис ўринбосарлари, Кенгаш аппаратининг фаолияти билан муайян масалаларни ҳал қилиш учун Кенгашнинг вақтинчалик комиссияларини тузиш ва ишини ташкил этиш, Кенгаш, Кенгаш Ижроия қўмитаси *(кейинги ўринларида “Ижроия қўмита” деб аталади)* мажлислари, йиғилишларида касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича масалаларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ижро этилишига эришиш орқали таъминланади.

1.3. Кенгаш ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Конференциясига ҳисоб беради.

1.4. Кенгашда унинг ваколатларига тегишли масалалар Кенгаш, Кенгаш Ижроия қўмитаси мажлисларида, шунингдек, Кенгаш раиси, Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳузурида ўтказиладиган йиғилишларда *(вазифалар тақсимомига*

мувофиқ), Кенгаш томонидан ташкил этиладиган вақтинчалик комиссияларнинг мажлисларида манфаатдор давлат ва хўжалик бошқарув органлари, бошқа органлар ва нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида кўриб чиқилади.

1.5. Кенгаш ва Ижроия қўмита қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Уставига ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Низомига мувофиқ Кенгашнинг аъзо ташкилотлари, сайлаб қўйиладиган қасаба уюшмалари органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар чиқаради.

Кенгашнинг норматив тусдаги ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қарор шаклида қабул қилинади.

1.6. Кенгаш ва Ижроия қўмита мажлислари уларнинг ишида аъзоларини ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ҳуқуқли ҳисобланади.

Кворум мавжуд бўлгани ҳолда мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган Кенгаш ва Ижроия қўмита қарорлари қабул қилинган ҳисобланади ва мазкур мажлисларда қабул қилинган қарорлар баён билан расмийлаштирилади.

Кенгаш раиси ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

1.7. Кенгаш аппарати Кенгаш ва Ижроия қўмита мажлислари, тегишли қарорлар лойиҳалари, таҳлилий ахборот ва бошқа материаллар тайёрланишини ва ташкил этилишини таъминлайди, Кенгашнинг қарорлари бажарилишини мунтазам равишда назорат қилади ва текшириб боради.

Кенгаш аппарати таркибий бўлимларининг (кейинги ўринларда “бўлим”, “бўлимлар” деб юритилади) вазифалари ва функциялари Кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган тегишли Низомлар билан белгиланади.

1.8. Кенгаш аппаратида иш юритиш Ижроия қўмита томонидан тасдиқланадиган Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

1.9. Зарур ҳолларда, Кенгаш раисининг топшириғига биноан, Кенгаш ва Ижроия қўмита мажлисларига стенографистлар таклиф қилиниши мумкин.

II. КЕНГАШ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Кенгаш ўз ишини:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларидаги, бошқа муҳим тадбирлардаги нутқларида ифодаланган сиёсатни амалга оширишга, шунингдек, Федерация Қурултойи, Бош Кенгаши ва Ижроия қўмитаси қарорлари, қасаба уюшмалари Федерациясининг Ҳаракат дастури, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Конференцияси, Кенгаш ва Ижроия қўмита қарорларини бажарилишига йўналтиради.

2.2. Кенгашнинг иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларидан, шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Федерация Курултойи, Бош Кенгаши ва Ижроия қўмитаси қарорларидан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгашининг Конференцияси, Кенгаш ва Ижроия қўмита қарорларидан, Федерация ва вилоят Кенгаши раисининг фармойишларидан келиб чиқувчи вазифалар асосида шакллантирилган йиллик (ярим йиллик) иш режаларига мувофиқ олиб борилади.

2.3. Кенгашнинг йиллик (ярим йиллик) иш режаси:

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларидан келиб чиқадиган қасаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича таклифлар;

Кенгаш ва Ижроия қўмита мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар; вазифалар тақсимолига мувофиқ, Кенгаш раиси ва раис ўринбосари ҳузурида кўриб чиқиладиган масалалар;

бўлимларнинг асосий тадбирлари режасини ўз ичига олиши мумкин.

2.4. Кенгашнинг иш режаси қуйидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади:

ўрганишлар асосида Кенгаш тасарруфидаги ва аъзо ташкилотлар қасаба уюшмалари органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни танқидий жиҳатдан ва тизимли таҳлил қилиш;

юзага келаётган муаммолар ва камчиликлар сабабларини тизимли таҳлил қилиш;

муаммоли масалалар ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган ва асосланган таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Федерация Курултойи, Бош Кенгаши ва Ижроия қўмитаси қарорлари, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгашининг Конференцияси, Кенгаш ва Ижроия қўмита қарорлари, Федерация ва вилоят Кенгашлари раислари фармойишларининг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш ва ҳ.к.

2.5. Кенгашнинг иш режаси Ижроия қўмита томонидан тасдиқланади.

Кенгаш иш режасини тайёрлаш, шунингдек, бажарилишини назорат қилиш Ижроия қўмита томонидан белгиладиган тартибда амалга оширилади.

2.6. Кенгашнинг иш режаси бўйича таклифлар аъзо ташкилотлар, Кенгаш раисининг ўринбосарлари, бўлимлар, бўлим мудирига тенглаштирилган масъул ходимлар томонидан (*бундан буён матнда “масъул ходимлар” деб юритилади*) Ижроия қўмита мажлисидан камида 15 кун олдин Ташкилий ишлар бўлимига топширилади. Бўлим томонидан умумлаштирилиб, Ижроия қўмита тасдиғига киритилади.

III. КЕНГАШ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

3.1. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Уставига ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Низомига мувофиқ Кенгашнинг мажлислари заруриятга қараб, аммо йилда камида бир марта ўтказилади.

3.2. Кенгаш мажлисларида Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунида, Федерация Уставида, Кенгаш Низомида назарда тутилган ҳамда Кенгаш ваколатига қирадиган масалалар, шунингдек, Ижроия қўмита таклифига кўра бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Муҳим масалаларни ҳал этиш учун Кенгашнинг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирлари ишлаб чиқилади, уларни кўриб чиқиш учун Кенгаш раисининг вазифалар тақсимотига мувофиқ масалани тайёрлайдиган бўлимга масъул бўлган раис ўринбосари томонидан Кенгаш мажлисига киритилади.

3.3. Кенгаш мажлисини тайёрлаш ва уни ўтказиш режасини Ташкилий ишлар бўлими масалани муҳокамага киритаётган бўлим билан биргаликда тузиб чиқади ва мувофиқлаштиради.

3.4. Кенгаш мажлисида кўриб чиқиш учун масалалар Кенгаш тасарруфидаги ва аъзо ташкилотлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан ҳам киритилиши мумкин.

3.5. Кенгаш мажлисида кўриб чиқиш учун масалалар белгиланган тартибда Кенгашнинг қарорлари лойиҳалари (*бундан буён матнда “ҳужжатлар лойиҳалари” деб юритилади*) шаклида киритилади.

3.6. Мажлис кун тартибининг лойиҳаси Кенгашнинг иш режаси, аъзо ташкилотлар ва бўлимларнинг таклифлари асосида, Ижроия қўмита томонидан тузиб чиқилади. Кун ва иш тартибини Кенгаш мажлиси тасдиқлайди.

3.7. Кенгаш аъзолари мажлис ўтказиладиган кун, жой, кун тартиби тўғрисида Кенгаш мажлиси ўтказилишидан камида 10 кун аввал, мажлис фавкулотда ўтказиладиган бўлса, Кенгаш раиси ёки Кенгаш раисининг вазифасини вақтинча бажариб турган шахс томонидан белгиланган муддатларда хабардор қилинади.

3.8. Кенгаш мажлисига Кенгаш тафтиш комиссиясининг раиси ва аъзолари таклиф этилиши ҳамда улар маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин.

3.9. Мажлисга масалалар киритаётган бўлимлар, масъул ходимлар унга таклиф этиладиганлар рўйхатини Кенгаш мажлисидан камида 10 кун аввал аниқлаб, Кенгаш раиси ва вазифалар тақсимотига мувофиқ мазкур бўлимга масъул бўлган раис ўринбосари билан келишиб олади. Таклиф қилинганлар рўйхати ташкилий ишлар бўлимига берилади. Кенгаш муҳокамасига масала қўйган бўлимлар, масъул ходимлар таклиф этилганларни Кенгаш мажлиси ўтказиладиган куни ва жойи тўғрисида Кенгаш мажлисидан камида 3 кун аввал хабардор қилади.

3.10. Мажлис қатнашчиларини таклиф этиш, кутиб олиш, жойлаштириш, рўйхатга олиш ва бошқа масалалар ташкилий ишлар бўлими, референт, ишлар бошқармаси зиммасига юклатилади.

3.11. Кенгаш мажлиси муҳокамасига киритилган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳалари Кенгаш аъзоларига Кенгаш мажлисидан олдин тарқатилади.

Кенгаш мажлисидан сўнг ҳужжатлар лойиҳалари ташкилий ишлар бўлимига қайтариб топширилади.

IV. КЕНГАШ МАЖЛИСЛАРИ ҚАРОРЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА КЕЛИШИШ ТАРТИБИ

4.1. Кенгаш мажлиси муҳокамасига киритилаётган масалалар юзасидан маъруза, қарорлар лойиҳалари, шунингдек, масалага тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатлар масалани киритаётган бўлим томонидан, вазифалар тақсимотиға мувофиқ мазкур бўлимға масъул бўлган раис ўринбосари раҳбарлигида тайёрланади.

Комплекс, жумладан Кенгашнинг чорак, ярим йиллик, йил якунлари бўйича фаолияти тўғрисидаги масалалар бўйича киритилаётган материаллар асосан ташкилий ишлар бўлими томонидан, бошқа бўлимлар билан ҳамкорликда тайёрланади.

Зарур ҳолларда масалаларни тайёрлашни Кенгаш томонидан ташкил этиладиган вақтинчалик комиссиялар амалға оширадilar.

4.2. Лойиҳалар аниқ ифодаланиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши, кўриб чиқилаётган масаланинг пухта таҳлилини ва холис баҳосини ўзи ичига олган бўлиши, ижрочилар олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйиши, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини белгилаши керак.

Тайёрланаётган лойиҳа бошқа ҳужжатларға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд бу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблашни талаб этса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар ёки уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар тайёрланаётган ҳужжат лойиҳасига киритилади ёки у билан айна бир вақтда алоҳида ҳужжат лойиҳаси кўринишида киритилади.

4.3. Мажлис қарорларининг лойиҳалари ва уларға даҳлдор ҳужжатларға тегишли бўлимларнинг ижрочилари, мудирлари, Кенгаш раисининг тегишли ўринбосар (*ўринбосарлар*)и, шунингдек, кўрилаётган масалаға алоқадор ташкилотлар раҳбарларининг розилик имзоси (визаси) йиғилади. Розилик имзоларини (визаларни) йиғишни ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган бўлим амалға оширади.

4.4. Кенгаш мажлисида кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари Кенгаш мажлисидан камида 10 кун олдин тайёрланади ва маъруза билан биргаликда ташкилий ишлар бўлимиға топширилади.

Ишлаб чиқилган лойиҳалар имзо қўйилишидан олдин мажбурий тартибда юридик хизмат билан келишилади.

Ташкилий ишлар бўлими лойиҳани кўриб чиқиш учун Кенгаш раисига киритади. Кенгаш раисининг топшириғига кўра, ҳужжатлар лойиҳаларини уларни тайёрлаган бўлим кўриб чиқиш учун Кенгаш раисига киритиши мумкин.

4.5. Кенгаш таркибидаги ўз вакилини чақиртириб олиш, унинг ўрниға янги

вакилни йўллаш масалалари бўйича тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари, бирлашган кўмиталари, раислар кенгашларининг ҳужжатлари ташкилий ишлар бўлимига Кенгаш мажлисидан камида 20 кун олдин тақдим этилади.

4.6. Кенгаш қарорлари лойиҳалари Кенгаш раиси томонидан маъқулланган тақдирда, кўриб чиқиш учун Кенгаш мажлисига киритилади.

4.7. Мазкур Регламент талабларига риоя қилинмасдан Кенгаш мажлисига киритилган ҳужжатлар лойиҳалари қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда, фақат тегишли равишда Кенгаш раиси ва Кенгаш раисининг ўринбосарлари қарорига кўра қайтарилиши мумкин.

V. КЕНГАШ МАЖЛИСЛАРИДА МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ИМЗОЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Кенгаши мажлисларида Кенгаш раиси, Кенгаш раиси бўлмаган ҳолларда раис ўринбосарларидан ёки ишчи раёсат аъзоларидан бири раислик қилади.

5.2. Кенгаш мажлисида унинг ишчи органи - раёсат сайланади ва унинг таркиби Кенгаш аъзолари томонидан тасдиқланади.

Зарурат бўлганида, мажлисда ишчи комиссиялар ва гуруҳлар (*таҳририят, санок комиссияси ва ҳисобчилар гуруҳи*) ташкил этилиши мумкин. Санок комиссияси яширин овоз беришни ташкил этади, унинг натижаларини аниқлайди. Ҳисобчилар гуруҳи очик овоз бериш натижаларига яқун ясайди.

Сайлаб қўйиладиган орган (Раёсат) таркибига ёки лавозимга (Кенгаш раиси, раис ўринбосари) номзодлари кўрсатилган Кенгаш аъзолари санок комиссияси ёки ҳисобчилар гуруҳига кириши мумкин эмас.

5.3. Кенгаш мажлисида раислик қилувчи кун ва иш тартибига амал қилинишини, мажлисда тартиб бўлишини таъминлайди, сўзга чиқадиганларга сўз беради, Кенгаш аъзолари билдирган таклиф ва танқидий фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олишни ташкил этади, тушган хатлар, мурожаатлар ва телеграммалар ҳақида ахборот беради, қабул қилинган қарорлар лойиҳаларини овозга қўяди ва унинг натижаларини эълон қилади.

5.4. Кенгаш мажлисига масала киритган бўлимлар мазкур масала бўйича муҳокамаларда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, 5 кун ичида Кенгаш қабул қилган қарорларни қайта ишлаб чиқади. Ушбу қарорларга бўлим мудир ва Кенгаш раисининг ўринбосари томонидан розилик имзоси қўйилади ва Кенгаш мажлисида раислик қилган шахсга тақдим этилади.

5.5. Кенгаш қарорлари лойиҳалари Кенгаш мажлиси томонидан маъқуллангандан кейин Кенгаш раиси томонидан имзоланади.

VI. ИЖРОИЯ ҚЎМИТА МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

6.1. Ижроия қўмиита мажлислари заруриятга қараб, аммо ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

6.2. Ижроия кўмитанинг кўриб чиқиши учун Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Уставига ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши Низомига мувофиқ Ижроия кўмита ваколатлари доирасидаги масалалар, шунингдек, Кенгаш ваколат берган бошқа масалалар киритилади.

6.3. Ижроия кўмита мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Кенгашнинг истиқбол, йиллик иш режаси, аъзо, тасарруфдаги ташкилотлар ва бўлимлар, масъул ходимлар Ижроия кўмита ҳамда Кенгаш аъзоларининг таклифлари асосида, мажлисдан камида 10 кун аввал ташкилий ишлар бўлими томонидан тузиб чиқилади ва Кенгаш раиси томонидан маъқулланганидан сўнг, масжлисга киритилади.

6.4. Ижроия кўмита мажлиси кун тартибининг лойиҳаси ва бошқа зарур ҳужжатлар Ижроия кўмита аъзоларига, тегишли бўлимлар ва ташкилотларга (*зарур бўлиб қолганда Кенгаш раҳбариятининг рухсати билан таклиф этилганларга*) рўйхат бўйича, мажлисдан камида 3 кун олдин ташкилий ишлар бўлими томонидан юборилади.

6.5. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши тафтиш комиссияси раиси, аъзолари, тармоқ қасаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, қасаба уюшмаларининг вилоят бўлинмалари (кенгаш, бирлашган кўмита ва ҳ.к.) раислари, Ижроия кўмита аъзоси бўлмаган аъзо ва тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, бўлимларнинг мудирлари, масъул ходимлари Ижроия кўмита мажлисида маслаҳат овози билан иштирок этиш учун таклиф қилинишлари мумкин.

Аъзо ташкилот ёки тузилмавий бўлимларининг биринчи раҳбари бўлмаганда Ижроия кўмита мажлисида унинг вазифасини вақтинча бажарувчи ходим қатнашади, бу ҳақда мажлисдан камида бир кун аввал ташкилий ишлар бўлимига хабар берилади.

6.6. Кенгаш аппарати, аъзо ва тасарруфдаги ташкилотлар ходимлари уларнинг ваколат доирасига кирадиган масалалар муҳокамасида иштирок этиш учун Ижроия кўмита мажлисига таклиф қилинишлари мумкин.

6.7. Ижроия кўмита мажлисига таклиф этилганларнинг фамилияси, исми-шарифи, иш жойи ва лавозими кўрсатилган рўйхати ташкилий ишлар бўлимига масалани муҳокамага киритаётган тегишли бўлим томонидан, Ижроия кўмита мажлиси бошланишидан камида 3 кун олдин топширилади.

6.8. Ижроия кўмита аъзолари ва иштирокчиларини мажлис ўтказиладиган манзил, вақти ва куни тўғрисида ташкилий ишлар бўлими мажлисдан камида 3 кун олдин, бошқа орган ва ташкилотлардан таклиф қилинганларни эса, манфаатдор бўлимлар ва масъул ходимлар ўша муддатларда хабардор қилади.

6.9. Мажлис қатнашчиларини таклиф этиш, кутиб олиш, жойлаштириш, рўйхатга олиш ва бошқа масалалар ташкилий ишлар бўлими, референт, ишлар бошқармаси зиммасига юклатилади.

Ижроия қўмита мажлисида кўриб чиқиш учун киритилган қарорлар лойиҳалари мажлисдан сўнг ташкилий ишлар бўлимига қайтариб топширилади.

VII. ИЖРОИЯ ҚЎМИТА МАЖЛИСЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН МАСАЛАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, КИРИТИШ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ИМЗОЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Ижроия қўмита мажлисига киритиладиган масалалар бўйича ҳужжатлар тегишли бўлимлар, масъул ходимлар томонидан тайёрланиб, мазкур бўлимларнинг ижрочилари, мудирлари, Кенгаш раисининг ўринбосари, қарорда муайян банд ижроси учун масъул этиб белгиланган бўлим мудирлари, масъул ходимлар ва тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарларининг розилик белгиси (визаси) қўйилади ҳамда Ижроия қўмита мажлисидан бир ҳафта олдин масъул бўлим томонидан ташкилий ишлар бўлимига қарор лойиҳасининг электрон шакли билан биргаликда топширилади.

Ижроия қўмита мажлисида кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ташкилий ишлар бўлими томонидан, мажлисдан камида 5 кун олдин Кенгаш раҳбариятига топширилади.

7.2. Ижроия қўмитанинг давлат органлари, бошқармалар, идоралар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан қўшма қарорлари лойиҳаларини тегишли бўлимлар, масъул ходимлар, манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда тайёрлайди ва Ижроия қўмита муҳокамасига киритади.

7.3. Ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этишнинг иложи бўлмаган тақдирда, бўлимлар мудирлари, масъул ходимлар ва тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари мажлисдан камида 10 кун олдин тақдим этиш муддатини узайтириш ёки масалани кўриб чиқишни бошқа муддатга кўчириш тўғрисида Кенгаш раҳбариятига мурожаат қилиши лозим.

7.4. Мажлисга тақдим этилувчи қарор лойиҳаси ва маълумотноманинг умумий ҳажми, қоида тарихида, *(рақамли иловани ҳисобга олмаганда)* бир интервал билан компьютерда ёзилган 9-10 саҳифадан ошмаслиги керак.

Комплекс масалалар (чораклик, ярим йиллик, йиллик фаолият яқунларига оид ва ҳ.к.) бўйича қарор лойиҳаси ва маълумотноманинг умумий ҳажми 30 саҳифадан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Ижроия қўмита мажлисларига Кенгаши раиси, унинг йўқлигида эса раиснинг ўринбосари раислик қилади.

Ижроия қўмита мажлисида раислик қилувчи масалаларни муҳокама қилинишини, тасдиқланган иш тартибига риоя этилишини таъминлайди, тақдим этилган ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама тўла-тўқис муҳокама этилишига кўмаклашади.

7.6. Ижроия қўмита мажлисининг иш тартиби Ижроия қўмита аъзолари томонидан белгиланади.

7.7. Ижроия қўмита мажлисларида Кенгаш раисининг ўринбосари, масалани муҳокамага киритган бўлим мудирлари, масъул ходимлар, аъзо ва тасарруфдаги ташкилотлар, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, касаба уюшмаларининг

вилоят бўлинмалари (кенгаш, бирлашган қўмита ва ҳ.к.) раислари, зарур ҳолларда эса таклиф этилган бошқа идоралар, ташкилотларнинг раҳбарлари ахборот берадилар.

7.8. Ижроия қўмита мажлисидан кейин уч кун ичида (*агар Ижроия қўмита томонидан бошқа муддат белгиланмаган бўлса*) муҳокама давомида айтилган танқидий фикрлар, қўшимчалар ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ижроия қўмита қарори ҳамда бошқа ҳужжатлар ижрочилари томонидан қайта ишлаб чиқилади, белгиланган тартибда келишиб олинади ва ташкилий ишлар бўлимига топширилади.

Ташкилий ишлар бўлими қайта ишланган қарорларни имзолаш учун Ижроия қўмита мажлисида раислик қилган шахсга киритади.

7.9. Ижроия қўмита мажлисларида қабул қилинган қарорлар юзасидан ташкилий ишлар бўлими томонидан баён ёзилади. Баён мажлис тугагандан сўнг беш кунлик муддат ичида ташкилий ишлар бўлими мудир раҳбарлигида расмийлаштирилади ва имзолаш учун Ижроия қўмита мажлисида раислик қилган шахсга тақдим этилади.

7.10. Баён мажлисда раислик қилувчи томонидан имзоланади.

7.11. Ижроия қўмитанинг мажлислари оралиғида тезда қўрилиб, ҳал қилиниши лозим бўлган айрим масалалар бўйича қарорлар сўров йўли билан овоз бериш шаклида қабул қилиниши мумкин (сўров йўли билан овоз бериш орқали ҳал қилинадиган айрим масалаларнинг намунавий рўйхати илова қилинади). Мазкур қарорларни Ижроия қўмита аъзолари билан келишиб олиш ҳамда уларнинг имзоларини йиғишни қарорни тайёрлаган бўлим амалга оширади ва ташкилий ишлар бўлимига тақдим этади.

Ижроия қўмита аъзосининг имзосини олиш имкони бўлмаганда, истисно тариқасида, мазкур Ижроия қўмита аъзоси билан қарор лойиҳасини келишиш телефон орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда қарор охириги варағининг орқасига қарор лойиҳаси телефон орқали келишилган Ижроия қўмита аъзосининг фамилияси, исми, шарифи, қарор лойиҳасини келишган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, келишилган куни ёзилиб, имзоси билан тасдиқланади.

VIII. КЕНГАШ ВА ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ҚАРОРЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, ЖЎНАТИШ ВА УЛАРНИНГ КУЧГА КИРИШИ

8.1. Имзоланган қарорларга ташкилий ишлар бўлими сана ва қайд қилиш рақамини қўяди.

8.2. Қарорлар расмийлаштирилгандан сўнг ташкилий ишлар бўлими томонидан тузиладиган жўнатиш рўйхати бўйича ижрочиларга юборилади ҳамда ушбу ҳужжатларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Ҳужжатларни манфаатдор ташкилотлар, идоралар, аъзо, тасарруфдаги ташкилотларга ва бўлимларга жўнатишни ташкилий ишлар бўлими амалга оширади.

8.3. Кенгаш ва Ижроия кўмитанинг кучга кирган қарорларини аъзо, тасарруфдаги ташкилотларга ва бўлимларга етказиш асосан электрон почта орқали амалга оширилади.

8.4. Кенгаш ва Ижроия кўмита мажлислари баёнлари ҳамда қарорларининг асл нусхалари ташкилий ишлар бўлимида сақланади. Ҳужжатларнинг асл нусхаси Кенгаш раисининг рухсатисиз ҳеч кимга берилмайди. Мазкур ҳужжатлардан нусха олиш зарурияти туғилганда, бу ишни Кенгаш раиси ёки унинг ўринбосарлари рухсати билан, ташкилий ишлар бўлими амалга оширади.

8.5. Ташкилий ишлар бўлимида Кенгаш ва Ижроия кўмитанинг кучга кирган қарорларининг электрон вариантдаги базаси шакллантирилади.

Зарурият туғилганда бўлимлар кучга кирган қарорларни локал тармоқ орқали ташкилий ишлар бўлими базасидан олишлари мумкин.

IX. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ҲАМДА КЕНГАШ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

9.1. Кенгаш, Ижроия кўмита қарорлари, шунингдек, Кенгаш раисининг фармойишлари ва топшириқларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этиш:

Кенгаш раисининг тегишли ўринбосарлари томонидан;

тегишли бўлимлар, мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан қарорлар, топшириқлар ва фармойишларни бажариш юзасидан белгиланган амалий чора-тадбирларни тасдиқланган муддатларда амалга ошириш;

уларнинг бажарилишини аъзо ташкилотларда мақсадли ўрганиш ҳамда бу борада аъзо ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

аъзо ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни бажариш юзасидан қабул қилган ўз қарорларининг бажарилишини кўриб чиқиш;

тармоқ касаба уюшмалари тизимидаги касаба уюшма ташкилотларида ишларнинг аҳволини комплекс ўрганиш, уларнинг яқунларини Кенгаш, Ижроия кўмитанинг тегишли мажлисларида кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бош Кенгаши ва Ижроия кўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши ва Ижроия кўмитаси мажлиси қарорлари ва топшириқларида қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминламаган раҳбар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсан жавобгарлик чораларини ўрнатилган тартибда кўриш билан таъминланади.

9.2. Кенгашга келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Ўзбекистон

касаба уюшмалари Федерациясининг Бош Кенгаши ва Ижроия қўмитаси қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари тўғрисида дарҳол Кенгаш раисига ахборот берилади ва улар юзасидан ҳужжатларнинг масъул ижрочиларига топшириқлар расмийлаштирилади.

9.3. Кенгаш ва Ижроия қўмита мажлиси қарорларидаги топшириқлар аъзо ташкилотлар томонидан кўрсатилган муддатда бажарилиши шарт.

9.4. Кенгаш раиси томонидан берилган топшириқни бажариш натижалари тўғрисида Кенгаш раисининг ўринбосарлари томонидан (*тўғридан-тўғри топшириқ мавжуд бўлганда*) имзоланган тегишли ҳужжат (*ёзма ахборот, тегишли ҳужжат лойиҳаси*) киритилади.

9.5. Бажариш муддатлари фақат топшириқни имзолаган раҳбар томонидан узайтирилиши мумкин.

9.6. Кенгаш, Ижроия қўмита мажлиси қарорлари ва Кенгаш раисининг фармойишларини назоратдан чиқариш тўғрисидаги қарор тегишли мажлис ва Кенгаш раиси томонидан қабул қилинади.

X. КЕНГАШ АППАРАТИ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

10.1. Кенгаш аппарати ишини Ижроия қўмита ва Кенгаш раиси йўналтириб туради. Аппаратнинг иши Кенгаш раисининг ўринбосарлари, бўлим мудирлари ва масъул ходимлар томонидан ташкил этилади. Кенгаш раиси ва Кенгаш раисининг ўринбосарлари (*вазифалар тақсимоти бўйича*) аппарат иши учун масъулдир.

10.2. Кенгаш аппаратининг иши Кенгаш, Кенгаш бўлимлари ва масъул ходимларнинг иш режалари асосида ташкил этилади. Бўлимлар ва масъул ходимларнинг иш режалари Кенгаш раиси ва Кенгаш раисининг (*вазифалар тақсимоти бўйича*) ўринбосари томонидан тасдиқланади.

10.3. Кенгаш олдида турган вазифалар тўғрисида аппарат ходимларини мунтазам равишда хабардор қилиб туриш, юзага келадиган масалаларни ўз вақтида, тезда ҳал этиш, шунингдек, бўлимлар ва тасарруфдаги ташкилотлар ишини назорат қилишни ташкил этиш мақсадида:

ҳар ҳафтанинг душанба кунида аппарат бўлимлари мудирлари, масъул ходимлари ва тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарларининг мажлислари ўтказилади;

зарур бўлганда Кенгаш раиси, унинг йўқлигида раис ўринбосаридан бири Кенгаш аппаратининг барча ходимлари ва аъзо ташкилотлар раҳбарлари билан мажлис ўтказилади;

Кенгаш аппарати бўлимлари, масъул ходимлари таклифи билан аппарат ходимларининг ўқиши ташкил этилади;

ўқишга қатнашадиган аппарат ходимлари рўйхати ва ўқиш тартиби Кенгаш раисининг фармойиши билан тасдиқланади;

Кенгаш аппаратининг масъул ходимлари шартнома асосида Кенгашнинг ўқув машғулотида дарс бериб боришлари мумкин.

10.4. Кенгаш раиси томонидан ўтказиладиган мажлислар тўғрисида хабар қилиш, мажлис иштирокчиларини рўйхатга олиш ва топшириқлар баённомасини олиб бориш билан Кенгашнинг ташкилий ишлар бўлими шуғулланади

10.5. Кенгаш раисининг ўринбосарлари йўналишлар бўйича ўтказадиган мажлисларга таклиф этиш, рўйхатга олиш ва баёнлаштириш билан мазкур ўринбосар раҳбарлик қиладиган бўлимлар шуғулланади.

XI. КЕНГАШНИНГ КОМИССИЯЛАРИ ВА БОШҚА ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

11.1. Кенгаш қабул қилган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳамда аъзо ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Кенгаш томонидан вақтинчалик комиссиялар, шунингдек, бошқа ишчи органлари тузилиши мумкин.

Кенгаш уларнинг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилоят Кенгаши
Ижроия қўмитаси томонидан сўров йўли билан овоз бериш орқали ҳал
қилинадиган айрим масалаларнинг тавсиявий рўйхати**

1. Йўлланмалар ажратишга оид масалалар.
2. Касаба уюшмалари фаолларини мукофотлаш, шу жумладан Кенгашнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш, Федерациянинг Фахрий ёрлиғи, “Эҳтиром нишони” билан тақдирлашга тавсия этишга оид масалалар.
3. Кенгаш, Федерацияга аъзо ташкилотлар ва хорижий касаба уюшмалари бўлинмалари билан ҳамкорлик алоқаларига, жумладан, Кенгаш, касаба уюшмаларининг вилоят бўлинмалари (кенгаш, бирлашган қўмита ва ҳ.к.) вакиллари хорижий мамлакатларга хизмат сафарини ташкид этишга оид масалалар.
4. Маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш йўналишидаги тадбирларни, Кенгашда халқаро ташкилотлар, хорижий касаба уюшмалар бўлинмалари вакиллари қабулини ташкил этишга оид масалалар, шунингдек, мазкур йўналишларда қабул қилинган қарорларни назоратдан олишга оид масалалар (тадбирлар ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар асосида).
5. Касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари ўқувини ташкил этиш, услубий қўлланмаларни чоп этишга оид масалалар.
6. Кенгаш аппаратининг ходимларини аттестациядан ўтказишга оид масалалар.
7. Кенгаш, Кенгашга аъзо ва тасарруфдаги ташкилотлар балансидаги соғломлаштириш ва бошқа объектлар (иморат, иншоотлар ва ҳ.к.)да қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ишларини ташкил этиш, бунинг учун маблағ ажратиш билан боғлиқ, шунингдек, объектларни балансдан балансга ўтказиш, асосий воситаларни сотишга оид масалалар.
8. Касаба уюшмалари аъзоларини, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож вакиллари ижтимоий, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, моддий ва ҳомийлик ёрдами кўрсатишга оид масалалар.
9. Кенгашнинг иш режасини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар киритишга оид масалалар.
10. Кенгаш мажлисини чақиришга оид масалалар.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Ҳуқумат қарорлари ҳамда Федерация Бош Кенгаши ва Ижроия қўмитаси қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тезкор ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар.
12. Касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, Кенгашга аъзо ташкилотларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан боғлиқ тезкор ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа масалалар.

Изоҳ: Қайд қилинган масалалардан ташқари заруриятга қараб сўров йўли билан овоз бериш орқали бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.